

Масжиди Ҳаромда сақланадиган Мусҳафлар қайтадан кўриб чиқилмоқда



16:00 / 18.01.2019 2693

Маккаи мукарраманинг Масжиди Ҳаром Мусҳаф ва китоб маъмурияти бош раҳбари шайх Холид ал-Ҳариси ҳижрий-қамарий 1440 Умра мавсуми муносабати билан Ҳаромдаги Қуръони каримларни қайта назоратдан ўтказиш ишлари бошланганини маълум қилди. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

“Ушбу режага мувофиқ Қуръони каримлар ва улар сақланадиган жойлар қайтадан кўздан кечирилмоқда. Зарар кўрган Қуръонлар таъмирланмоқда, жойлар чанг-ғуборлардан тозаланмоқда. Байтул Ҳаром зиёратчиларига хизмат кўрсатилишига мувофиқ равишда ушбу ишларни бажарилиши учун алоҳида махсус гуруҳ ташкил этилди”, – дейди шайх Холид ал-Ҳариси.

Islom.uz портали таҳририяти